



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 4 июль, № 136 (7366)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



### ҚЎМИТАГА ҚАЙТАРИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Хусусан, мажлис аввалида «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа Қонунчилик палатасининг жорий йил 5 мартда ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланган эди. 13 июндаги мажлисда кечган қизгин муҳокамадан соҳада атом энергетикаси соҳаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, уни янада такомиллаштириб, маромига етказиш, тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан бойитиш мақсадида масъул қўмимага қайтарилган эди.

Ўтган давр мобайнида ишчи гуруҳи мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ва иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, депутатлар, соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар ишчи гуруҳи мажлисларида ўрганилиб, янада такомиллаштирилди. Лойиҳа концепцияси доирасида унинг тузилиши қайта кўриб чиқилди.

Депутатларнинг таклифлари асосида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солишда қатнашувчи

бошқарув ва назорат органларини аниқ белгилаш мақсадида янги моддалар киритилди. Қонун лойиҳасида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги лицензияланган фаолият турлари аниқ белгилиниб, лицензиялаш учун қўйиладиган асосий талаблар ҳам ифода этилди. Соҳада амалга ошириладиган давлат назорати, ушбу назоратнинг йўналишлари, назоратни амалга оширувчи органлар аниқ белгилаб берилди.

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистонда атом энергетикасини ривожлантириш ва бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос яради.

Этиборлиси, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида мустақил экспертлар, жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этди. Ана шундай сермазмун саъй-ҳаракатлар, қонунчилик техникаси талаблари бажарилганидан сўнг лойиҳа пишиқпхта ҳолга келтирилди.

Мажлисида касба уюшмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини рўйбга чиқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.



## БИЗ ва ЖАҲОН

### «БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЮРАГИ — ЎЗБЕКИСТОНГА САЁҲАТ. ШАРҚ ЮЛДУЗИ ЯНА ПОРЛАМОҚДА»



#### Туркиянинг нуфузли «Anadolu» ахборот агентлиги тарқатган репортаж шундай номланади.

Журналист Ифтихор Гилани (Iftikhar Gilani)нинг ёзишича, Фарбда давлатчилик энди шаклланаётган бир пайтда ўзбек замини, унда жойлашган Самарқанд, Бухоро ва бошқа кўплаб шаҳарлар аллақачон тамаддун ҳамда тафаккур ўчоғи сифатида машҳур эди. Мазкур ўлка Шарқнинг маданий, тижорий ва интеллектуал маркази бўлиб, унинг тили, мейморчилиги, миллий таомлари ҳамда мусиқасида Шарқнинг энг кўхна ва энг яхши аъёналари муҷассамдир.



Мақолада бугунги кунда юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида туризм соҳасини ривожлантириш, республикани хорижий сайёҳлар учун мақбул йўналишга айлантириш, меҳмонлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берилди. Айнқса, пойтахт Тошкент ва мамлакатнинг тарихий шаҳарлари ўртасида қулай ҳамда тезкор транспорт қатнови йўлга қўйилгани, туристларнинг ҳордиқ олиши, овқатланиши ва уларга сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича республикада сўнгги йилларда жиддий ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани қайд этилади.

«Anadolu» ахборот агентлиги хабарида ўзбек замини дунёга Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк саркарда ҳамда давлат арбоблари, Имом Бухорий, Хоразмий

ва Ибн Сино сингари улуг мутафаккирларни бергани таъкидланар экан, бугун республикада буюк аждодлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий меросини ўрганиш ҳамда оммалаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратилади. Хусусан, ўқувчиларга Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хазрати Имом мажмуаси, Самарқандда Амир Темур макбараси сингари тарихий обидаларни бориб кўриш тавсия қилинади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## Таассуф

### Болаларни журнал ўқишдан ким маҳрум қилди?

Ота-оналар бундан ярим йил аввал фарзандлари учун болалар нашрларига обуна бўлишган эди. Аммо ханузгача оуна бўлишгани йўқ.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «Қулба» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Малика Ҳайдарованинг газетамизга йўллаган мактубида шундай сўзлар бор:

«Қўнчилик 2019 йил учун «Ғунча» ва «Ғуҳан» болалар журналлари учун

обуна расмийлаштирганди. Шундан буюн олти ойдан кўп вақт ўтди, аммо обуначилар ушбу нашрларни халигача олишмади».

Бу одамлар шу пайтгача наҳотки ҳеч қаерга мурожаат қилишмаган бўлса, десангиз, янглишасиз. Обунани расмийлаштирган «Матбуот

тарқатувчи» МЧЖнинг туман бўлими эшигини бир неча бор тақиллаштирди. Унинг раҳбари Аллаёр Раббимов эса барча буюртмани вилоят бўлимига топширганман, бироқ у ердагилардан садо йўқ, дея гапни қисқа қилаверди. Болажонлар эса орзиқиб кутилган журналларни почтачи амаки ва холалари олиб келишидан ҳамон умидвор.



## Истиқболли конлар қачон ўрганилади?



Мамлакатимизда sanoatlashтириш мумкин бўлган

73 турдаги фойдали қазилма захирасига эга

2000 дан зиёд конлар бор.

Шундан 437 таси ўзлаштирилмаган. Янги истиқболли конларни ўрганиш етарли даражада эмас.

Қидирув ишларига жалб қилинаётган техникаларнинг 70 фоизи эскирган.

Факт ва рақамлар

## Муносабат

Айтиш жоизки, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар анча илгари бошланган эди. Аввало, бюджет тизимини ислох қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар, бюджет маблағларини шакллантириш, қўшимча захираларни яратиш бўйича солиқ, молия ва иқтисодий соҳалари органлари маъсулиятини ошириш юзасидан қабул қилинган қарорлар соҳанинг тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Шу ўринда айни пайтдаги дунё давлатлари ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги мақомига тўхталиб ўтсам. Масалан, мазкур тузилма Францияда Ҳисоблар судьяси, АКШда Ҳукумат ҳисоблар офиси, Канада, Герма-



## Ҳисоб палатаси:

### Тизим фаолиятида ислохотларнинг янги босқичи бошланмоқда

Куни кеча Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Қонун имзоланди ва матбуотда эълон қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатдан жуда улкан ҳамда хайрли мақсад-муддао кўзланган. Зеро, давлат молиясини самарали бошқариш ва унинг ҳолис ташқи аудитини таъминлаш бўйича олий аудит органи ҳисобланган Ҳисоб палатасининг ўрни, мақомини юксалтириш ҳамда ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада қучайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва халқимизнинг турмуш даражасини ошириш кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар анча илгари бошланган эди. Аввало, бюджет тизимини ислох қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар, бюджет маблағларини шакллантириш, қўшимча захираларни яратиш бўйича солиқ, молия ва иқтисодий соҳалари органлари маъсулиятини ошириш юзасидан қабул қилинган қарорлар соҳанинг тамал тоши бўлиб хизмат қилди.






# ЭКОЛОГИК МАСЪУЛИЯТ

**инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилади**

«Лукойл Узбекистан Оперейтинг Компани» масъулияти чекланган жамияти — ўз фаолиятида ходимлар ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик вазиятни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этишда энг юқори стандартларга амал қилиб келаётган жамоалардан бири.

## Ташаббус



Шу билан бирга, компания тармоқларга сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, биологик хилмаҳилликни сақлаш борасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Компаниянинг Ўзбекистондаги фаолияти давомида экологик оқибатларга олиб келувчи бирор-бир воқеа содир бўлмагани ана шундай сай-харакатлар самарасидир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик талаблари ва стандартларига риоя қилишдан ташқари, компания ходимлари иштирокида атроф-муҳит мусофидолиги бўйича фаол ташаббус кўрсатилаётгани ҳам диққатга сазовор. Мисол учун, яқинда «Лукойл» томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Нанай қишлоғида экологик акция ўтказилди. Унда компания ходимлари тоғ тепаликлари ва шаршаралар атрофини турли чиқиндилардан тозаладилар.

Қайд этиш керакки, «Лукойл» бу каби эко-акцияларни илк бор ўтказётгани йўқ. Хусусан, ўтган йили худди шундай тадбир Урунғоч кўли яқинида ташкил қилинган эди.

Бундан ташқари, «Ботаника» боғида анъанавий тарзда «Яшил сайёра» кўкаламзорлаштириш тадбирлари уюштирилади. Эътиборлиси, бундай акцияларга болалар ҳам мунтазам жалб этилмоқда. Бу эса ёш авлод вақиларининг табиатга бўлган меҳрини ошириш баробарида, уларни меҳнатсеварликка, қадриятларни хурмат қилишга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Шу маънода, «Лукойл»нинг экологик ташаббуслари инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилувчи муҳим тадбирларга айланиб улгурган.

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Ахборот-ресурс марказининг Миллий умумтаълим электрон-кутубхона марказига хизмат раҳбари, бош мутахассис, етакчи мутахассис, 1-тоифали мутахассис лавозимлари учун танлов эълон қилади.

Т/р	Хизматлар номи	Эълон қилинаётган иш ўринлари сони
1.	Сканерлаш ва рақамлаштириш хизмати	40
2.	Рақамлаштирилган ресурсларни қайта ишлаш хизмати	15
3.	Мультимедиа студияси	8
4.	Техник ва технологик қўллаб-қувватлаш хизмати	4

Иш ҳақи: тасдиқланган штатлар жадвали асосида белгиланади.

### ДИҚҚАТ!

Танловда қатнашишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни 2019 йилнинг 10 июлидан 31 июлига қадар шахсан ёки электрон почта (info@natlib.uz ва natlib.uz сайти) орқали топширишлари мумкин:

- директор номига ариза (ариза шаклини сайт орқали олиш мумкин);
- маълумоти ҳақидаги диплом ва сертификатлар нусхаси (асли сўхбат куни тақдим этилади);
- маълумотнома (намуна шаклини сайт орқали олиш мумкин);
- 1 дона 4,5х6 см. ўлчамли фотосурат;
- паспорт нусхаси.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилади. Танлов суҳбати Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилади.

Танловнинг ўтказиш мuddати: 2019 йил 1 августдан 10 августга қадар.

Танловда қатнашувчи номзодларга қўйиладиган малака талаблари:

- олий, бакалавр ва ўрта махсус маълумотига эга;
- 3 йилдан кам бўлмаган стаж;
- ахборот-коммуникация технологиялари — компьютер дастурлари (Microsoft Word, Internet Explorer, Microsoft Excel), кутубхона соҳасига оид дастурлар (КАДАТА, ИРБИС);
- медиа-студия фаолиятида камида 3 йил иш стажига эга;
- медиа-студия техник ва дастурий таъминотларидан фойдалана олиши;
- замонавий рақамлаштириш уснуларидан фойдалана олиши зарур (Zeutschel, Microbox, Fujitsu, Microfiche, Microfilm, Xino Scan, Microform, Robotic Book Scanner, Mekel M 200 Viewscan);
- дастурий таъминотлардан малакали фойдалана олиши зарур (Abbyy Finereader, Adobe Acrobat, Adobe Photoshop, CorelDRAW, Adobe Indesign).

Лавозимларга қабул қилиниши керак бўлган мутахассислар:

Видеорежиссёр, видеооператор, видеомонтажчи, овоз режиссёри, овоз оператори, матн муҳаррири, конвертатор, суҳандон, техник ходим, рақамлаштирилган босма ресурсларга қайта ишлов берувчи (обработчик ресурсов).

Ахборот-кутубхона босма ресурсларини (китоб, газета, журнал, альбом, харита, кўлзма, диссертация, нота нашр, автореферат, микрофиш, фотоплёнка ва бошқалар) рақамлаштириш ҳамда қайта ишлов беришни амалга ошириш.

Танловда куйидаги ўқув юртурларида тахсил олган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Олий ўқув юртурлари:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети:

- Телестудия тизимлари ва иловалари;
- Аудиовизуал технологиялар;
- Телерадиоэшиттириш тизимлари.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти:

- Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати;
- Кинорежиссёрлиги, телевидение ва радио.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети:

- Чет тиллар.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети:

- Халқаро журналистика.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети:

- Журналистика;
- Тарих;
- Филология.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти:

- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш.

Тошкент давлат техника университети:

- Информатика ва ахборот технологиялари;
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш.

Ўрта махсус таълим:

Тошкент давлат маданият коллежи:

- Кинооператор.

Тошкент алоқа касб-хунар коллежи:

- Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш.

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи:

- Информатика ва ахборот технологиялари;
- Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси.

Усмон Носир номидаги Тошкент матбаа касб-хунар коллежи:

- Дастурий инжинер техниги;
- Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 1-уй. Мўлжал: метронинг «Мустақиллик майдони» бекати, Маънавият ва маърифат маркази биноси. Маълумот учун телефонлар: 71-232-83-94, 71-232-83-98, 71-239-40-36.

**«TOW Co., Ltd» кўшма корхонаси**  
махсус қурилиш техникаларини  
таклиф қилади.

www.uztow.com

**«Universal Services of Central Asia»**  
хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти  
ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.  
Тел.: 71-200-00-27 /28.  
E-mail: doosansales@uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

**«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК**

«AMKODOR», «CALEO», «AMKODOR-CEMASH» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчкили юклагичлар

**Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар**  
Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Моб.: 90-974-00-61, 90-900-61-72. Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17.  
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Сирдарё вилояти бўлими жамоалари Ўзбекистон Республикаси ақдоқувчиси, меҳнат фахрийси Барчиной МАМАДИЁРОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
ЭЪЛОНЛАР  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
71-232-10-63,  
71-232-11-15.  
E-mail: reklamax@mail.ru  
reklama@xs.uz

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.50 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6